# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
# ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
# БУЙРУҚ

**Тошкент шаҳри** 2012 йил "30" декабрь № 512

**Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сонли қарорини бажариш назорат режаси", Чет тилларни ўрганишни янада ривожлантириш бўйича доимий ишлайдиган Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисининг 297-сон баёни ва видеослектор мажлисининг 2-сон баёни топшириқлари ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1875-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 декабрда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сонли қарорини бажариш назорат режаси", Чет тилларни ўрганишни янада ривожлантириш бўйича доимий ишлайдиган Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2012 йил 15 декабрда ўтказилган мажлисини 297-сон баёни ва 2012 йил 26 декабрда ўтказилган видеослектор мажлисининг 2-сон баёни топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 декабрда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сонли қарорини бажариш назорат режаси", Чет тилларни ўрганишни янада ривожлантириш бўйича доимий ишлайдиган Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2012 йил 15 декабрда ўтказилган мажлисини 297-сон баёни ва 2012 йил 26 декабрда ўтказилган видеослектор мажлисининг 2-сон баёни топшириқлари ижро учун қабул қилинсин.

ИПТД «Узбекистан» Р-4815-1000-2012г.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1875-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича чоралар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Вазирлик ҳузуридаги марказлар директорларига:

"Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1875-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича чоралар дастури"даги тегишли топшириқларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1875-сонли қарорида белгиланган Ҳукумат қарорлари, дастурлар ва чора-тадбирлар лойиҳаларини ишлаб чиқиб, ўрнатилган тартибда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда тасдиққа киритиш вазифаси юклатилсин.

4. Олий таълим муассасалари ректорларига:

"Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1875-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича чоралар дастури"да белгиланган тегишли ҳар бир банддаги вазифаларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш бўйича чоралар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

айрим махсус фанлар, хусусан техник ва халқаро мутахассисликлар бўйича фанларни 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб ўқитишни чет тилида олиб борилишини ҳисобга олган ҳолда чет тилида ўқитиш мумкин бўлган таълим йўналиши, мутахассислиги, фанлар ва талабалар гуруҳларини, уларга чет тилида дарс бера оладиган профессор-ўқитувчилар таркибини аниқлаш ҳамда ўқув-услубий таъминотни яратиш вазифалари юклатилсин.

5. "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1875-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича чоралар дастури"да белгиланган тегишли топшириқларга масъул олий таълим муассасалари қуйидаги Ишчи гуруҳларга киритиладиган номзодлар рўйхатини шакллантириб, бир ҳафта муддатда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига тақдим этишсин:

хорижий тиллар (инглиз, немис, француз ва испан) таълим йўналишлари бўйича янги давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқувчи Ишчи гуруҳ;

олий таълим бакалавриат таълим йўналишлари (хорижий тиллардан бошқа) учун 250 аудитория соатлари ҳажмига мўлжалланган намунавий ўқув дастурини ишлаб чиқувчи Ишчи гуруҳ;

олий таълим магистратура мутахассисликлари (хорижий тиллардан бошқа) учун мўлжалланган намунавий ўқув дастурларини ишлаб чиқувчи Ишчи гуруҳ;

"Филология" таълим йўналишлари давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларига иккинчи чет тили бўйича халқаро тест тизимига асосланган минимал талабларни киритилишини таъминловчи Ишчи гуруҳ;

Ўқув адабиётлар, луғатлар, кўргазмали материалларни яратиш ва такомиллаштириш бўйича муаллифлар гуруҳлари (ўқув адабиётлари турлари учун алоҳида).

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари М.Арипджанов зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **Б.Ходиев**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2012 йил 30 декабрдаги 512-сон буйругига
1-илова

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича чоралар дастури

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш шакли | Бажариш муддати | Бажарилишига масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| **I. Узлуксиз таълим тизими доирасида чет тилларини ўрганишдаги давлат таълим стандартлари, ўқув режалар ва дастурларни такомиллаштириш** | | | | |
| 1.<br>(№ 4) | Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида чет тилини ўрганишга ажратилган соатлар ҳажмини (ўқув юкламаси) 180 соатдан 250 соатга кўпайтириш. | 1. Олий таълим бакалавриат йўналишлари ўқув режаларида чет тилларини ўқитишнинг аудитория соатларини 250 соатдан кам бўлмаган ҳажмларини таъминлаш. | 2013/2014 ўқув йилидан | Олий таълим муассасалари ректорлари, ўқув ишлари бўйича проректорлари |
| 2.<br>(№ 5) | Чет тили бўйича умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги Давлат таълим стандартлари асосида таълимнинг узлуксизлик ва узвийлик тамойилларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш. | 2. Олий таълим бакалавриат йўналишлари учун чет тили фани бўйича 250 аудитория соатлари ҳажмига мўлжалланган намунавий ўқув дастурини ишлаб чиқиш.<br><br>Намунавий ўқув дастурни тайёрлашда таълим турларидаги узвийлик ва узлуксизлик шартини таъминлаш.<br><br>Ўқув дастурига Европа стандартларида белгиланган тилларни билиш даражасига қўйилаётган талабларни киритиш. | 2013 йил<br>1 февраль | ЎзДЖТУ (А.Исмаилов),<br>ЎзМУ (Ғ.Мухамедов),<br>ТДПУ (У.Иноятов) |
| | | 3. Ўқув дастурни ўрнатилган тартибда экспертизадан ҳамда тааллуқли Ўқув-услубий Кенгаш муҳокамасидан ўтказиш. | 2013 йил<br>10 февраль | ОТМББ (Б.Ражабов),<br>ЎзДЖТУ (А.Исмаилов) |
| | | 4. Ўқув дастурни, ЎУКларни Мувофиқлаштирувчи Кенгашда муҳокамадан ўтказилиб ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. | 2013 йил<br>20 февраль | ОЎМТРМ (Б.Рахимов) |

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2012 йил 30 декабрдаги 512-сон буйруғига
1-илова

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича чоралар дастури

| № | Тадбирлар номи | Амалга ошириш шакли | Бажариш муддати | Бажарилишига масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| **I. Узлуксиз таълим тизими доирасида чет тилларини ўрганишдаги давлат таълим стандартлари, ўқув режалар ва дастурларни такомиллаштириш** | | | | |
| 1. (№ 4) | Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида чет тилини ўрганишга ажратилган соатлар ҳажмини (ўқув юкламаси) 180 соатдан 250 соатга кўпайтириш. | 1. Олий таълим бакалавриат йўналишлари ўқув режаларида чет тилларини ўқитишнинг аудитория соатларини 250 соатдан кам бўлмаган ҳажмларини таъминлаш. | 2013/2014 ўқув йилидан | Олий таълим муассасалари ректорлари, ўқув ишлари бўйича проректорлари |
| 2. (№ 5) | Чет тили бўйича умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги Давлат таълим стандартлари асосида таълимнинг узлуксизлик ва узвийлик тамойилларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш. | 2. Олий таълим бакалавриат йўналишлари учун чет тили фани бўйича 250 аудитория соатлари ҳажмига мўлжалланган намунавий ўқув дастурини ишлаб чиқиш.<br><br>Намунавий ўқув дастурни тайёрлашда таълим турларидаги узвийлик ва узлуксизлик шартини таъминлаш.<br><br>Ўқув дастурига Европа стандартларида белгиланган тилларни билиш даражасига қўйилаётган талабларни киритиш. | 2013 йил 1 февраль | ЎзДЖТУ (А.Исмаилов), ЎзМУ (Ғ.Мухамедов), ТДПУ (У.Иноятов) |
| | | 3. Ўқув дастурни ўрнатилган тартибда экспертизадан ҳамда тааллуқли Ўқув-услубий Кенгаш муҳокамасидан ўтказиш. | 2013 йил 10 февраль | ОТМББ (Б.Ражабов), ЎзДЖТУ (А.Исмаилов) |
| | | 4. Ўқув дастурни, ЎУКларни Мувофиқлаштирувчи Кенгашда муҳокамадан ўтказилиб ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. | 2013 йил 20 февраль | ОЎМТРМ (Б.Рахимов) |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 5. Ўқув дастурларини 2013/2014 ўқув йилидан бакалавриат 1-курсидан тўлиқ ва юқори курсларда алоҳида гурухларда жорий этиш.<br>Бунда:<br>талабаларнинг чет тилини ўқитиш гуруҳларини уларнинг бошланғич (ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўқилган дастурлар билан узлуксизликни таъминлаш билан бирга) чет тилини билиш даражаси инобатга олиниб шакллантириш;<br>чет тилини бошланғич билиш даражаси паст бўлган талабалар гуруҳларини янги ўқув дастурга босқичма-босқич ўтказиш чораларини белгилаш. | 2013/2014 ўқув йиидан | Олий таълим муассасалари ректорлари, ўқув ишлари бўйича проректорлари |
| | | 6. Магистратура мутахассислигида амалий чет тилини, мутахассислик хусусиятларини инобатга олиб ўқитиш, намунавий ўқув дастурларини ишлаб чиқиш бўйича услубий кўрсатма тайёрлаш, таянч ОТМлар учун семинар ўтказиш | 1 февраль | ЎзДЖТУ (А.Исмаилов) |
| | | 7. Магистратура мутахассислигида амалий чет тили фани намунавий ўқув дастурларини ЎзДЖТУ услубий рахбарлигида мутахассислик хусусиятларини ҳамда янги талабларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш, тегишли Ўқув-услубий Кенгаш муҳокамасидан ўтказиш. | 2013 йил 10 февраль | Таянч ОТМлар ректорлари (ташкил этиш), ЎзДЖТУ (А.Исмаилов), (услубий мувофиқлаштириш) |
| | | 8. Амалий чет тили ўқув дастурларини ўрнатилган тартибда тасдиқдан ўтказиш. | 2013 йил 20 февраль | ОТМББ (Б.Ражабов), ОЎМТРМ (Б.Рахимов) |
| | | 9. Магистратура мутахассисликларида амалий чет тилини янги ўқув дастурлар бўйича ўқитилишини таъминлаш | 2013/2014 ўқув йилидан | ОТМлар ректорлари, ўқув ишлари бўйича проректорлари |
| 3. (№ 6) | Олий ўқув муассасаларида алоҳида махсус фанлар, айниқса техник ва халқаро таълим йўналишлари ва мутахассисликларида чет тилларда ўқитишни ташкил этиш учун | 1. Чет тилида ўқитиладиган таълим йўналиши, мутахассислик ва фанларни аниқлаш.<br><br>2. Белгиланган фанлар бўйича ўқув машғулотларни олиб борадиган педагоглар | 2013 йил 15 январь<br><br>2013 йил 30 январь | ОТМ ректорлари, ўқув ишлари бўйича проректорлари<br><br>ОТМ ректорлари, ўқув ишлари бўйича |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | янгиланган Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларини янгилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш. | (олимлар, мутахассислар) таркибини шакллантириш. Бунда таянч ОТМлар билан хамкорлик қилиш. | | проректорлари |
| | | 3. Фаннинг ўқитиладиган чет тилида ўқув дастури, фан бўйича ЎУМни шакллантириш, зарурат бўлса ўқув режасига ўзгартиришлар киритиш, ўқув адабиётларини яратиш, мустақил таълим учун электрон дарсликлар, фанлар ва мавзулар бўйича терминологик, икки тилли луғатлар ҳамда расмли луғатлар, ҳар бир мавзу бўйича назорат саволларини тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиб тасдиқлаш. | 2013 йил 30 январь | ОТМ ректорлари, ўқув ишлари бўйича проректорлари |
| | | 4. Чет тилида ўқитиладиган фанлар бўйича гуруҳларни шакллантириш. | 2013 йил 30 январь | ОТМ ректорлари, ўқув ишлари, илмий ишлар бўйича проректорлари |
| | | 5. Шакллантирилган гуруҳларда чет тилида фанларни ўқитиш дарс жадвалини ишлаб чиқиш | 2013 йил 1 май | ОТМ ректорлари, ўқув ишлари бўйича проректорлари |
| | | 6. Малакали педагоглар (мутахассислар, олимлар), тегишли ўқув-услубий материаллар билан таъминланган фан бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифати назоратини йўлга қўйиш. | 2013 йил 2 сентябрь | ОТМ ректорлари, ўқув ишлари бўйича проректорлари |
| | | 7. Чет тилида машғулот ўтказадиган педагоглар (мутахассислар, олимлар), ўқув бўлими услубиётчилари учун фан дастури, ўқитиш методикаси, услубий таъминотини тайёрлаш юзасидан Тошкент шаҳридаги Вестминстер университети билан келишилиб семинар режасини тузиш. | 2013 йил 30 январь | ОТМ ректорлари, ўқув ишлари бўйича проректорлари |
| | | 8. ОТМларда 2013/2014 ўқув йилидан чет тилида машғулот олиб борадиган таълим йўналиши, мутахассислиги, фан, педагог | 2013 йил 30 январь | ОТМББ (Р.Абдикаримов) |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | ўқитувчи, мавжуд ўқув адабиёти тўғрисида умумлашган маълумот тайёрлаш. | | |
| 4.<br>(№ 7) | Республиканинг ихтисослашган ва педагогик олий таълим муассасаларида чет тиллар бўйича педагогик кадрлар тайёрлаш учун ўқитишнинг масофавий тури ва “Электрон таълим” тармоқ имкониятларидан фойдаланишни жорий қилишни эътиборга олган ҳолда янгиланган Давлат таълими стандартлари, ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш. | 1. “Филология ва тилларни ўқитиш (чет тиллари)”, “Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича)”, “Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)”таълим йўналишлари ва тегишли мутахассисликларнинг:<br><br>Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари;<br><br>ўқув дастурларини қайта ишлаб чиқиш. | 2013 йил<br>28 февраль<br><br>20 май | Таянч ОТМлар (ЎзДЖТУ, ТДПУ),<br>СамДЧТИ<br>(Ш.Сирожиддинов),<br>ЎзМУ (Ғ.Мухамедов),<br>ТДШИ (А.Маннонов)<br>иштирокида ва<br>ҳамкорликда |
| 5.<br>(№ 20) | “Филология” йўналишида таҳсил олувчи талабалар учун иккинчи (ихтисослашувидан бошқа) хорижий тил сифатида иккинчи чет тилини чуқур ўзлаштириш даражасига қўйиладиган халқаро тест тизимига асосланган талабларни тасдиқлаш. | 2. Чет тили бўйича олий таълимининг педагогик ва ихтисослашган йўналишларида янги ДТСлари ишлаб чиқишда:<br>Узлуксиз таълим тизими ДТСларни ишлаб чиқишда“Хорижий тилни эгаллаш бўйича Умумевропа ваколати: ўқиш, ўқитиш, баҳолаш” методикасини жорий этишда хорижий мутахассисларни кенг жалб қилиш.<br>Чет тилларни эгаллашнинг ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш тизими ва методикасини халқаро стандартларга яқинлаштиришни таъминлаш.<br>Халқаро тест тизимида (CEFR) иккинчи чет тилига қўйилаётган минимал талабларни ўрганиш.<br>“Филология” таълим йўналишларининг Давлат таълим стандартларига Иккинчи чет тили бўйича халқаро тест тизимига асосланган минимал талабларни киритилишини таъминлаш. | | |
| 6.<br>(№ 8) | Хорижий мутахассисларни кенг жалб этиш орқали “Хорижий тилни эгаллаш бўйича Умумевропа ваколати: ўқитиш, ўргатиш, баҳолаш” (CEFR) тизимини тадбиқ қилиш асосида чет тилини ўқитиш, ўргатиш ва билимларни баҳолаш методикасининг ҳалқаро стандартларига яқинлаштиришни таъминлашни инобатга олган ҳолда чет тили бўйича узлуксиз таълим тизимининг янги Давлат таълими стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил этиш. | 3. Янгиланган ўқув режалар ва дастурларни тайёрлашда:<br>масофавий таълим контентлари ва “Электрон таълим” тизимидан фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олиш;<br>таянч ва турдош ОТМлараро “Электрон таълим” тизимидан фойдаланиш имкониятларни яратиш; | Ишлаб чиқиш - 2013 йил май,<br>амалга киритиш- 2013/2014 ўқув йили | ОЎМКТРМ (Б.Рахимов),<br>ЎзДЖТУ (А.Исмаилов),<br>ЎзМУ (Ғ.Мухамедов),<br>ТДПУ (У.Иноятов),<br>ТДШИ (А.Маннонов),<br>Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | ҳар бир босқич учун масофавий таълим материалларини тақриздан ўтказиш, дискларга ёзиб тарқатиш ва интернет сайтига қўйиш;<br>янги коммуникатив асосда чет тилларни ўқитиш бўйича алоҳида видеодарсларни режалаштириш масалаларини инобатга олиш.<br><br>4. ДТС, ўқув режалар,<br><br>- ўқув дастурларни<br><br>ўрнатилган тартибда тасдиқдан ўтказиш ва Ўздавстандартда рўйхатдан ўтказиш. | <br><br><br><br><br><br><br>2013 йил<br>апрель<br><br><br>2013 йил<br>июнь | этиш маркази<br>(М.Аманбоев),<br>Ўқув жараёнига АКТни жорий этиш бошқармаси<br>(О.Абдурахмонов)<br><br><br><br>ОТМББ (Б.Ражабов),<br>ОЎМТТРМ (Б.Рахимов) |
| **II. Хорижий тиллар бўйича дарслик ва ўқув-услубий мажмуаларни модернизациялаш** | | | | |
| 7.<br>(№ 9) | Узлуксиз таълим тизимида қўлланиладиган, чет тилларни ўрганишдаги дарслик ва ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва модернизациялаш бўйича муаллифлар гуруҳларини шакллантириш (таълим турлари, чет тили фанлари, синфлар, курслар ва б.). | 1. Чет тили бўйича узлуксиз таълим тизимининг янги ДТСларига (3-бандда кўрсатилган Филология таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича) мувофиқ яратиладиган ўқув адабиётлари, такомиллаштириладиган ўқув адабиётлари турлари (дарслик, ўқув қўлланма) таркибини (номларини) белгилаш.<br><br>2. Ўқув адабиётларини яратиш ва такомиллаштириш бўйича малакали мутахассислар жалб этилган ҳолда муаллифлар гуруҳларини шакллантириш ва масъул ОТМни белгилаш, адабиётларни тайёрлаш, чоп этиш муддатлари белгиланган режа-дастурни ишлаб чиқиб вазирликка тасдиққа тақдим этиш.<br><br>3. Муаллифлик гуруҳларига ўқув адабиётини ишлаб чиқишда:<br>- ўқув адабиётлари тайёрлашда таълим турларида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш;<br>- дарсликлар тузилиши умумевропа стандартларида белгиланган “Талаба китоби”, “Машқлар тўплами” ва “Ўқитувчи китоби”дан ташкил этилишни назарда тутиш; | 2013 йил<br>5 февраль<br><br><br><br><br><br><br><br><br>2013 йил<br>15 февраль<br><br><br><br><br><br><br><br><br>2013 йил<br>февраль | ЎзДЖТУ (А.Исмаилов),<br>ЎзМУ (Ғ.Мухамедов),<br>ТДПУ (У.Иноятов),<br>ОЎМКТРМ (Б.Рахимов)<br><br><br>ОЎМКТРМ (Б.Рахимов),<br>ОТМББ (Р.Абдукаримов),<br>ЎзДЖТУ (А.Исмаилов),<br>ТДПУ (У.Иноятов),<br>ЎзМУ (Ғ.Мухамедов),<br>СамДЧТИ<br>(Ш.Сирожиддинов),<br>АндДУ (Т.Мадумаров),<br>ТДШИ (А.Маннонов)<br><br><br><br>ОЎМКТРМ,<br>ОТМББ,<br>ЎзДЖТУ (А.Исмаилов),<br>ТДПУ (У.Иноятов),<br>ЎзМУ (Ғ.Мухамедов), |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | - дарсликлар мазмуни умумевропа стандартларида дарсликларга қўйилаётган талабларга асосланиш ва коммуникативлик (мулоқот)ни таъминлашга йўналтириш;<br>- инглиз тилидан бошқа тиллардан мутахассис тайёрловчи факультет ва бўлимларда (немис, француз, испан, араб, хитой, япон, корейс ва бошқалар) иккинчи тил сифатида инглиз тилини киритишда намунавий ўқув дастурларини, улар асосида дарслик, ўқув-услубий қўлланмаларни яратиш;<br>- тайёрланаётган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни аудио ва видео материаллар билан таъминлаш ҳамда улар асосида электрон дарсликлар яратиш вазифаларини қўйиш. | | ТДШИ (А.Маннонов), СамДЧТИ (Ш.Сирожиддинов), АндДУ (Т.Мадумаров) |
| 8.<br>(№ 11) | Таълим жараёни ривожининг ҳозирги замон йўналишлари ва чет тилини чуқур ўрганишга қўйиладиган талаблардан келиб чиққан ҳолда умумтаълим мактабларининг 5-9-синфлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ва олий таълим учун чет тиллари бўйича дарслик, ўқув-услубий мажмуалар, шунингдек уларнинг электрон шаклларини такомиллаштириш. | Барча таълим йўналишлари учун чет тилларни чуқур эгаллашга қўйилаётган ҳозирги талаблардан келиб чиқиб, 1-бандда кўрсатилган намунавий ўқув дастурга мувофиқ дарслик (ўқув қўлланма) ва ўқув-услубий комплексни такомиллаштириш (яратиш) режасини (муаллифлар гуруҳлари, муддатлар, масъул ОТМлар, масъул проректорлар белгилаб) ишлаб чиқиш ва тасдиққа киритиш.<br>Бунда:<br>1. Дарслик (ўқув қўлланма), ЎУКни Умумевропа стандартларига мослаштириш.<br>2. Дарсликлар (ўқув қўлланма), ЎУКнинг электрон шаклини яратиш.<br>3. Дарсликлар (ўқув қўлланма), ЎУК бўйича мультимедиали мажмуа яратиш.<br>4. Икки ва кўп тилли луғатлар, расмли ва электрон луғатлар яратиш, ҳамда мавжудларини такомиллаштиришни назарда тутиш. | 2013 йил<br>10 февраль | ОЎМКТРМ (Б.Рахимов), ОТМББ (Р.Абдикаримов), ЎзДЖТУ (А.Исмаилов), ТДПУ (У.Иноятов), ЎзМУ (Ғ.Муҳамедов), ТДШИ (А.Маннонов), СамДЧТИ (Ш.Сирожиддинов), АндДУ (Т.Мадумаров) |
| 9.<br>(№ 12) | Хорижий тилни турли даражада биладиганлар учун самарали, жадаллаштирилган дарслик ва ўқув-услубий материаллар, шунингдек, уларнинг электрон шакли халқаро амалиётга асосан мустақил | 1. Дарслик ва ўқув-услубий адабиётлар ва уларнинг электрон шаклини мустақил таълимга мослаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.<br><br>2. Мустақил таълимга мослаштириладиган дарслик, ўқув-услубий адабиётлар таркибини | 2013 йил<br>10 март<br><br>2013 йил<br>20 март | ЎзДЖТУ (А.Исмаилов), ТДШИ (А.Маннонов), ТДПУ (У.Иноятов), ЎзМУ (Ғ.Мухамедов), АндДУ (Т.Мадумаров), СамДЧТИ |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | таълимнинг барча турлари учун мослаштириш ва жорий этиш. | белгилаш.<br><br>3. Мустақил таълимга мослаштирилган материалларни ишлаб чиқиш, масъул ОТМ ва муддатлар кўрсатилган режа-дастурини ишлаб чиқиб вазирликка тақдим этиш<br><br>4. Тайёр материалларни дистант таълимнинг контентлари сифатида интернет сайтига жойлаштириш. | <br><br>2013 йил<br>30 март<br><br><br><br>2013-2014 йиллар | (Ш.Сирожиддинов),<br>Бош илмий-методик марказ (У.Бегимқулов)<br><br><br><br>Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази (М.Аманбоев),<br>Ўқув жараёнига АКТни жорий этиш бошқармаси (О.Абдурахмонов),<br>ЎзДЖТУ (А.Исмаилов),<br>ТДШИ (А.Маннонов),<br>ТДПУ (У.Иноятов),<br>СамДЧТИ (Ш.Сирожиддинов). |
| **III. Таълим муассасаларида чет тилларни ўрганишнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш** | | | | |
| 10.<br>(№ 13) | 2013-2015-йилларда таълим муассасалари чет тиллар ўқитиш махсус аудиторияларини мультимедиа технологиялари ва чет тили ўргатишнинг компьютер тренажерларини ишлатиш асосида замонавий ахборот-коммуникация ва ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш)нинг жадаллаштирилган дастурини ишлаб чиқиш. | 1. Олий таълим муассасаларидаги чет тиллар ўқитиш махсус аудиторияларини инвентаризация қилиб чиқиш.<br><br>2. Халқаро ва республика ОТМлари тажрибасини, ўқитишнинг техник воситалари турларига бўлган эҳтиёжни ўрганиш асосида чет тиллар хоналарини жиҳозланганлик даражаси, унга бўлган талаб нормативини ишлаб чиқиш.<br><br>3. Олий таълим муассасаларининг чет тилларни ўқитишга мўлжалланган ўқув хоналарини замонавий ахборот-коммуникация ва ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан тўлиқ жиҳозлаш дастурини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш.<br><br>4. Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш, | 2013 йил<br>30 январь<br><br><br>2013 йил<br>10 февраль<br><br><br>2013 йил<br>15 февраль<br><br><br>2013 йил<br>28 февраль | М.Иноятов,<br>Ш.Қаюмов,<br>Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси (С.Бузрукхонов),<br>Моддий-техника таъминоти бўлими (Қ.Қуролов),<br>Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази (М.Аманбоев),<br>Ўқув жараёнига АКТни жорий этиш бошқармаси (О.Абдурахмонов), |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш. | | |
| 11.<br>(№ 14) | Таълим муассасаларини чет тилларни ўрганиш бўйича грамматика, фонетикадан кўргазмали қўлланмалар, луғатлар, маълумотнома материаллари, жумладан электрон шаклида ҳам, шунингдек, хорижий тилларни ўрганиш бўйича компьютер дастурлари маҳсулотларини яратиш ва таъминлаш. | 1. Чет тилларини ўрганишда ОТМларда грамматика, фонетикада зарур бўладиган кўргазмали қуроллар, қўлланмалар, луғатлар, маъруза материаллари (шу жумладан электрон шаклда ҳам) таркибини белгилаш.<br><br>2. Грамматика, фонетикадан кўргазмали қуроллар, қўлланмалар, луғатлар, маъруза материаллари (шу жумладан электрон шаклда) яратиш, чоп этиш режа дастурини масъул ОТМлар, муддатлар кўрсатилиб ишлаб чиқиш, тасдиққа киритиш.<br><br>3. Хорижий тилларни ўрганиш бўйича компьютер дастурлари бўйича хорижий тажрибани ўрганиш.<br><br>4. Хорижий тилларни ўқитиш бўйича компьютер дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиққа киритиш. | 2013 йил<br>28 февраль<br><br>2013 йил<br>10 март<br><br>2013 йил<br>28 февраль<br><br>2013 йил<br>15 март | ЎзДЖТУ (А.Исмаилов), ОЎМКТРМ (Б.Рахимов), ОТМББ (Р.Абдикаримов), ТДПУ (У.Иноятов), ЎзМУ (Ғ.Муҳамедов), ТДШИ (А.Маннонов), СамДЧТИ (Ш.Сирожиддинов), АндДУ (Т.Мадумаров)<br><br>Ш.Қаюмов, Ўқув жараёнига АКТни жорий этиш бошқармаси (О.Абдурахмонов), Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази (М.Аманбоев), ЎзДЖТУ (А.Исмаилов), ТДШИ (А.Маннонов), ТДПУ (У.Иноятов), СамДЧТИ (Ш.Сирожиддинов), СамДУ (У.Ташкенбаев), ТАТУ (Х.Мухитдинов). |
| 12.<br>(№ 15) | Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошида юқори савияда таржимон мутахассисларни тайёрловчи ихтисослаштирилган таржимонлар Марказини ташкил қилиш. | Вазирлар Маҳкамаси қарор лойиҳасига таклифлар тақдим этиш. | 2013 йил<br>20 январь | ОТМББ (И.Мажидов), ЖИДУ (Н.Жумаев), ЎзДЖТУ (А.Исмаилов). |
| 13.<br>(№ 16) | Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, унга чет тили ўқитувчиларининг малакасини | 1. Ўзбекистон жаҳон тиллари университети моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва хорижий тиллар ўқитувчиларини малакасини ошириш таянч ОТМ этиб белгилаш тўғрисида | 2013 йил<br>30 январь | М.Иноятов, Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича таянч муассаса вазифасини юклаш. | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш.<br><br>2. ВМ Қарори лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш. | <br><br><br>2013 йил<br>15 февраль | (С.Бузрукхонов),<br>Моддий-техника таъминоти бўлими (Қ.Қуролов),<br>ОТМББ (И.Маджидов),<br>Бош илмий-методик марказ (У.Бегимқулов),<br>ЎзДЖТУ (А.Исмаилов) |
| **IV. Чет тилларини билиш даражасини баҳолаш Миллий тизимини яратиш, чет тиллари бўйича педагогик кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш** | | | | |
| 14.<br>(№ 17) | Чет тилларни ўқитиш бўйича педагогларни малакасини ошириш дастури ва ўқув режаларининг Хорижий тилларни эгаллаш бўйича Умумевропа ваколати (GEFR) нормаларига ва бошқа халқаро стандартларга мувофиқ танқидий таҳлил қилиш ва янгилаш. Бунда Масофавий ўқитиш ва “Электрон таълим” тизими имкониятларини инобатга олиш. | 1. Чет тиллар бўйича Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари педагогларининг малакасини ошириш ва қайта таёрлаш ўқув режа ва дастурларини умумевропа стандартларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан танқидий таҳлил қилиш.<br><br>2. Чет тиллар бўйича Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари ўқитувчиларини малакасини ошириш ва қайта таёрлаш ўқув режа ва дастурларини янгилаш, ўрнатилган тартибда тасдиқдан ўтказиш. Ўқув режа ва дастурларда масофавий ўқитиш ва “Электрон таълим” имкониятларидан фойдаланишни жорий этиш.<br><br>3. Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари чет тиллари ўқитувчиларини умуевропа стандартлари (GEFR) тизими, 2013/2014 ўқув йилидан жорий этиладиган янги ўқув дастурлари, чет тилини ўқитишнинг замонавий коммуникатив услубларда ўқитиш асослари билан таништириш юзасидан семинарлар ташкил этиш чора-тадбирларини (семинар ўтказиш манзиллари, ўқитиладиганлар контингенти, машғулот олиб борувчилар, тарқатма материал тайёрлаш учун масъуллар, жадвал) ишлаб чиқиб тасдиққа киритиш. | 2013 йил<br>30 март<br><br><br><br><br><br>2013 йил<br>30 апрель<br><br><br><br><br><br>2013 йил<br>30 январь | ЎзДЖТУ (А.Исмаилов),<br>Бош илмий-методик марказ (У.Бегимқулов)<br><br><br><br><br>ЎзДЖТУ (А.Исмаилов),<br>Бош илмий-методик марказ (У.Бегимқулов)<br><br><br><br><br>Ш.Қаюмов,<br>ЎзДЖТУ (А.Исмаилов),<br>ОТМББ (Р.Абдикаримов),<br>Бош илмий-методик марказ (У.Бегимқулов) |
| 15.<br>(№ 19) | Катта илмий ходим-тадқиқотчи институтида алоҳида | Катта илмий ходимлар-тадқиқотчи институтида алоҳида мутахассислик фанларини чет тилда | 2013 йил<br>15 март | Ш.Қаюмов,<br>Илмий тадқиқот |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | мутахассислик фанларини чет тилда ўқитиш мезонлари ва ўқув соат ҳажмларини тасдиқлаш, минимал нормалар белгиланадиган ихтисосликлар рўйхатини аниқлаш. | ўқитиш:<br>- мезонлари ва ўқув соат ҳажмларини;<br>- минимал нормалар белгиланадиган ихтисосликлар рўйхатини ОАК билан келишиб ишлаб чиқиш ва тасдиққа киритиш. | | фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Р.Мусурмонов) |
| 16. (№ 21) | Ихтисослашган ва педагогика олий таълим муассасаларида раҳбар ходимлар ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш ўқув дастурларига чет тилини ўқитиш 8 соат ҳажмида чет тили ўрганилишини қўшиш. | 1. Ихтисослашган ва педагогика олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог ходимларининг малака ошириш ўқув режаларига 8 соат ҳажмида чет тилини ўрганиш курсини киритиш.<br><br>2. Мазкур курснинг ўқув дастурини ишлаб чиқиш.<br><br>3. Тайёрланган ўқув режалари ва дастурларини тегишли ўқув-услубий кенгашда ва мувофиқлаштирувчи кенгашдан ўтказиш.<br><br>4. Ўқув режалари ва дастурларини ўрнатилган тартибда тасдиқдан ўтказиш ва 2013/2014 ўқув йилидан амалиётга жорий этиш. | 2013 йил 30 март<br><br>2013 йил 30 март<br><br>2013 йил 30 апрель<br><br>2013 йил 30 апрель | Бош илмий-методик марказ (У.Бегимкулов), ЎзДЖТУ (А.Исмаилов) |
| 17. (№ 22) | Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг чет тили ўқитувчиларига бўлган эҳтиёжларини босқичма-босқич қоплаш учун, Олий таълим муассасаларининг “Хорижий тиллар” йўналиши бўйича йиллик қабул квоталарини қайта кўриб чиқишни таъминлаш. | 1. Кадрлар буюртмачилари бўлган вазирлик, идора, вилоят ҳокимликлари билан чет тили ўқитувчиларига бўлган эҳтиёжни ўрганиш, эҳтиёжларни иқтисод вазирлигига тақдим этилишида буюртмачилар билан ҳамкорлик қилиш.<br><br>2. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларда, 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб 1-синфда чет тиллари ўқитилишини инобатга олган ҳолда умутаълим мактабларида чет тиллари ўқитувчиларига бўлган эҳтиёжларни инобатга олиб ҳар йили ўрнатилган тартибда вазирликка қабул квоталари бўйича таклифларни тақдим этиш.<br><br>3. Чет тиллари йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларининг қабул квоталарини ҳар йили қайта кўриб чиқилишини ва ўрнатилган тартибда иқтисод вазирлигига тақдим этилишини таъминлаш. | Ҳар йили октябрь<br><br>Ҳар йили декабрь<br><br>Ҳар йили январь-февраль | ОТМ ректорлари<br><br>ОТМ ректорлари<br><br>ОТМББ (Ш.Авезов) |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 4. Узоқ туманлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида яшаётган аҳоли орасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тавсияномалари асосида чет тиллар таълим йўналишларига олий таълим муассасаларига мақсадли қабулни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасига ҳамда қабул тартибига асосланган таклифлар киритиш. | 2013 йил<br>15 февраль | ОТМББ (Ш.Авезов),<br>ЎзДЖТУ (А.Исмаилов),<br>ТДПУ (У.Иноятов),<br>ЎзМУ (Ғ.Мухамедов) |
| 18.<br>(№ 23) | Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларининг чет тили ўқитувчиларини хорижий мамлакатлар ўқув марказлари ва ихтисослашган таълим муассасаларида “Истеъдод” жамғармаси орқали қисқа муддатли стажировкаларини ташкил қилиш. | 1. “Истеъдод” жамғармаси билан ҳамкорликда уларни танловдан ўтказиш ва хорижий ўқув марказлари ва олий таълим муассасаларида стажировка, малака ошириш режаларини тузиш.<br><br>2. Чет тили ўқитувчиларини хорижий мамлакатлар ўқув марказлари ва ихтисослашган таълим муассасаларида “Истеъдод” жамғармаси орқали қисқа муддатли стажировкаларини ташкил қилиш комплекс тадбирлари режасини ишлаб чиқиш. | Режа асосида 2013 йилдан бошлаб<br><br>2013 йил<br>30 март | ОТМ ректорлари,<br>“Истеъдод” жамғармаси (А.Пардаев),<br>ОТМББ (Р.Абдикаримов)<br><br>“Истеъдод” жамғармаси (А.Пардаев) |
| 19.<br>(№ 24) | “Ўзбекистонда хорижий тиллар” интернет портали ва касбий электрон журналини яратиш. | 1. “Ўзбекистонда хорижий тиллар” номли касбга оид электрон журнал ва Интернет порталини яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳини шакллантириш.<br><br>2. Ривожланган давлатлардаги хорижий тиллар бўйича электрон журналлар ва интернет порталларининг фаолиятига доир тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш.<br><br>3. Электрон журнал ва интернет порталини яратиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарор лойиҳасини тайёрлаш, ўрнатилган тартибда келишувдан ўтказиш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш | 2013йил<br>1 февраль<br><br>2013 йил<br>28 февраль<br><br>2013 йил<br>30 май | Ш.Қаюмов,<br>Ўқув жараёнига АКТни жорий этиш бошқармаси (О.Абдурахмонов),<br>Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази (М.Аманбоев)<br>ТАТУ (Х.Мухитдинов),<br>ТДПУ (У.Иноятов),<br>ЎзМУ (Ғ.Мухамедов),<br>ТДШИ (А.Маннонов) |
| 20.<br>(№ 25) | Чет тиллар ўқитувчиларига қонун ҳужжатлари билан белгиланган рағбатлантирувчи тўловлар ва қўшимчаларни ҳисоблашда, | Меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни тайёрлаш, Молия вазирлиги, Меҳнатни муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишиш. | Киритиш<br>2013 йил<br>10 февраль<br>Амалга | Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси (С.Бузрукхонов) |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | уларнинг лавозим маошлари таркибига киритилган ҳолда қишлоқ жойларида жойлашган таълим муассасаларида уларнинг таъриф стафкаларига 30% ва бошқа таълим муассасаларида 15% ставкалари миқдорида ҳар ойда қўшимчалар қўшиб беришни белгилаш. | | ошириш 2013/2014 ўқув йили | |
| 21. (№ 26) | Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини ўқув фанларини чет тилида ўқитгани учун рағбатлантириш чора-тадбирларини давлат бюджети маблағлари ҳисобига жорий этиш. | Меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни тайёрлаш, Молия вазирлиги, Меҳнатни муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишиш. | Киритиш 2013 йил 10 февраль Амалга ошириш 2013/2014 ўқув йили | Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси (С.Бузрукхонов), ОТМББ (Р.Абдикаримов) |
| **V. Чет тилларини ўрганиш борасида ҳалқаро ташкилотлар ҳамда хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ташкил этиш** | | | | |
| 22. (№ 27) | Хорижий тилларни ўқитишнинг самарали усулларини ташкил этиш бўйича тажриба алмашиш борасида хорижий мамлакатларнинг ихтисослашган таълим муассасалари ва марказлари билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш. | 1. Чет тилини ўқитишни самарали йўлга қўйиш учун чет элдаги турдош таълим муассасалари ва турли чет тилини ўқитиш марказларини аниқлаш ва ўрганиш.<br><br>2. Инглиз (француз, немис) тили фанининг ўқитилишида амалий-методик ёрдамларни ташкил этиш бўйича Тошкентдаги Британия Кенгаши ваколатхонаси, АҚШ, Буюк Британия элчихоналари (Франция элчихонаси, Тошкентдаги Франция институти, Германия элчихонаси, Гёте институти, Германиянинг хориждаги мактаблар марказий бошқармаси (ZFA) в.б) каби ташкилотлар ҳамда ўрганилган хорижий тил ўқитиш марказлари, таълим муассасалари билан ҳамкорлик меморандумлари имзолаш.<br><br>3. Тажрибали инглиз (француз, немис) тили соҳиблари иштирокида амалий семинарларни ташкил этиш бўйича ишчи режаларни шакллантириш. | 2013 йил 30 февраль | ЎзДЖТУ (А.Исмаилов), ТДПУ (У.Иноятов), ЎзМУ (Ғ.Мухамедов), ТДШИ (А.Маннонов), СамДЧТИ (Ш.Сирожиддинов), АндДУ (Т.Мадумаров), Хорижий филология, Хорижий тилларни ўқитиш таълим йўналишлари мавжуд ОТМ ректорлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 4. Республиканинг барча худудларида мунтазам равишда амалий семинарлар ташкил этиб, ушбу семинарларда янгидан яратилаётган дарслик мажмуалари билан ишлаш методикаларини чет тили ўқитувчиларининг эътиборига етказиш.<br><br>5. Ёзги таътил пайтида талабалар алмашинуви тажрибасини такомиллаштириш ва давом эттириш.<br><br>6. Юқоридагиларни қамраб олиб 2013 йилдан бошлаб босқичма-босқич амалга ошириладиган ОТМ чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиб ОТМ Илмий Кенгашида тасдиқлаш. | 2013 йил<br>30 март | |
| 23.<br>(№ 28) | Халқаро ташкилотлар ва донор-мамлакатларнинг грантлари, имтиёзли кредитларини таълим муассасаларини жиҳозлаш, чет тилларини ўрганишни ривожлантириш каби тадбирларга жалб қилиш. | 1. Турли халқаро грант ва имтиёзли кредитлар таълим муассасаларини техник воситалар билан таъминлаш ва чет тилларни ўқитишни ривожлантиришга жалб қилиш Чора-тадбирлар мажмуаси бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | 2013 йил<br>30 март | Ш.Қаюмов,<br>М.Иноятов,<br>Халқаро алоқалар бўлими (Ё.Иргашев),<br>Моддий-техника таъминоти бўлими (Қ.Қуролов). |
| 24.<br>(№ 29) | Хорижий тилларни ўқитишнинг таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш, дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, мультимедиа воситаларини яратиш бўйича хорижий ҳамкорлар билан қўшма лойиҳалар тайёрлаш ва уни амалга ошириш. | 1. Хорижий ҳамкорлар билан қуйидагиларни амалга ошириш лойиҳалари ишлаб чиқиш:<br>- ДТС, ўқув режалари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;<br>- дарсликлар ва ўқув адабиётлар яратиш<br>- чет тилларни ўқитиш учун мультимедиа асарлари, электрон ўқув адабиётлари яратиш;<br>- республикамиз олий таълим тизимидаги чет тили ўқитувчилари ўртасида тажриба алмашишни кенг жалб этиш;<br>- ўрганиладиган чет тилида сўзлашувчи хорижий мутахассисларни таклиф этиш.<br>Юқоридагиларни амалга ошириш режаларини ишлаб чиқиб ОТМ Илмий Кенгашида тасдиқлаш. | 2013 йилдан бошлаб доимий | Хорижий филология, Хорижий тилларни ўқитиш таълим йўналишлари мавжуд ОТМ ректорлари |
| 25.<br>(№ 30) | Хорижий тилларни ўрганиш масалалари бўйича республика ҳамда хорижий таълим муассасалари ўқитувчилари ўртасида тажриба алмашиш борасида қўшма лойиҳаларни, шу жумладан, Республикамизга шу тилда сўзлашувчи ўқитувчиларни жалб қилиш лойиҳаларини амалга ошириш. | | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **VI. Мулоқот муҳитини шакллантириш ва чет тилларни ўрганишни оммалаштириш** | | | | |
| 26. (№ 35) | Ёзги таътил даврида ўқув юртлари базалари ва оромгоҳларида дам олиб, хорижий тилларни ўрганаётган ўқувчилар (болалар ва ёшлар)нинг тил амалиётини шакллантириши учун керак бўлган шароитларни яратиб бериш**.** | 1. Ёзги таътил даврида тил амалиётини шакллантириш мумкин бўлган оромгоҳлар ва таълим муассасалари базалари рўйхатини тузиш.<br><br>2. Оромгохларда педагогик амалиёт ўташ бўйича чет тилини мукаммал биладиган иқтидорли талабалар рўйхатини шакиллантириш, уларга тажрибали амалиётчи ўқитувчи ва методистларни бириктириш, тил амалиёти даврида ўқувчиларда чет тилида мулоқот қилиш муҳитини яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш. | Киритиш 2013 йил май Амалга ошириш 2013 йил ёзги таътил | Маънавий ахлоқий тарбия бошқармаси (М.Комилов), Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси (С.Бузрукхонов), Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси (О.Абидов), ОЎМТВ Касаба уюшмаси (Н.Рахмонов), ОТМББ (Р.Абдикаримов), ЎзДЖТУ (А.Исмаилов), ТДПУ (У.Иноятов), Хорижий тилларни ўқитиш таълим йўналишлари мавжуд ОТМ ректорлари. |
| 27. (№ 36) | Умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида таълим олаётганларни ўқитишнинг интерактив усуллари ва билимни баҳолашдан фойдаланиб, чет тилларни мустақил ўрганиш электрон модулини яратиш орқали “ZiyoNet” таълим тизимини янада ривожлантириш. | 1. Ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчилари учун хорижий тилларни мустақил, интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда ўрганиш модулларини ишлаб чиқиш.<br>1.1. Мустақил таълим контент (моҳият, маъно, таркиб) мавзуларини аниқлаш.<br>1.2. Ноль босқичдан бошланган электрон ўқув адабиётлар мажмуаларини яратиш.<br>1.3. Яратилган электрон ўқув адабиётлари интерфаол ўқитиш методикасига асосланган ва ўқувчилар билимини баҳолаш имконига эга бўлишини назарда тутиш. | Ишлаб чиқиш – 2013 йил апрель, Амалга ошириш – 2013/2014 ўқув йили | ЎМКҲТМ (Ж.Исмоилов), ЎзДЖТУ (А.Исмаилов). |
| 28. (№ 37) | Ҳалқаро экспертларни жалб қилган ҳолда чет тиллари ўқитувчилари ўртасида “Ўзбекистоннинг энг яхши чет тили ўқитувчиси” йил танловини ўтказиш. | 1. Чет тиллари бўйича “Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси” кўрик-танловини ташкил этишга доир Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиққа киритиш.<br><br>2. Кўрик танловни 2013/2014 ўқув йилидан жорий этиш. | 2013 йил 1-март | ОЎМКҲТРМ (Б.Рахимов), Маънавий ахлоқий тарбия бошқармаси (М.Комилов), ЎзДЖТУ (А.Исмаилов), ТДПУ (У.Иноятов). |